Туркистон мухторияти... Темур хокониннинг чин болалари ёнинда, туркистоннинг тубчак турклари орасинда, мундан ўгурли[1], мундан мукаддас, мундан суюнчли бир сўзни борлигига ишонмайман.

Туркистон туркининг конини кайнатгучи, имонини юксалтгучи бир кувват бор эса, ёлгуз шу сўзда бордир: Туркистон мухторияти.

Элли(к) йилдан бери эзилдик, тахкир этилдик, кўлимиз богланди, тилимиз кесилди, огзимиз копланди, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмурулди, номусимиз гасб кияинди, хукукимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёклар остига олинди, тўзимли турдик, сабр этдик.

Кучга таянган хар буйругга бўйинсундик, бутун борлигимизни кўлдан бердик. Ёлгиз бир фикрни бермадик, яшрун турдик, эмгакларимизга ўраб сакладик: Туркистон мухторияти!

Махкама эшикларидан йиглаб кайтганда, ёруксиз турмаларда ётганда, йиртгучи жандармнинг тепгуси билан йикилганда, юртларимиз ёндурулганда, диндошларимиз осилганда онгимиз йўколди, миямиз бузилди, кўзимиз ёгдусиз колди, бирор нарсани кўролмадик. Шул чогда, тушкун рухимизни кўтармак учун шул коп-коронгу дунёнинг узок бир еринда ойдин бир юлдуз ялкиллаб тура(р) эди. Бирор нарсага ўтмаган кўзимиз шуни кўрар эди. Ул нима эди? Туркистон мухторияти!

Биз аник била(р) эдикким, золим Николай хукумати канча яшарса яшасун, адолат ошики бўлган... рус демократияси, хакга таянган бир инкилоб, хар миллатнинг ўз хакларини кайтарур.

Инкилоб бўлди. Русиянинг «кўшма халк жумхурияти» усули билан[2] идора этилури жарланди. Шул эълон узра ясалган Украина, татар ва бошка миллатлар мухториятлари тасдик этилди. Кўнук[3] Туркистонники эди. Туркистоннинг тарихий хонбаликларидан иккинчиси бўлган Хўканд шахринда тўпланган Туркистон курултойи 27 нўйабрнинг «миллий лайлатуркадримиз бўлган» ярим кечасинда Туркистон мухториятини эълон килди.

Лекин шуниси борким, бир миллатнинг мухторияти ёлгуз бир съезднинг эълони билан тамом бўлмас. Мухториятни олмок ва сакламок керакдир. Съезд ўз ишини килди. Колганлари бутун миллатнинг вазифасидир. Мухториятни сакламок учун куч лозим. Мухториятни бажармок учун акча керакдир. Буларни миллат хозир килсун.

(«Хуррият», 1917 йил, 5 декабр).

Макола «Фан ва турмуш»нинг 1990 йил, 10-сонида (30—31-бетлар) кайта нашр килинган нашрга тайёрловчи Ш. Турдиев).

[1] ўгурли — хайбатли, буюк.

[2] «кўшма халк жумхурияти» усули — Русиянинг федерация асосидаги бошкарилуви назарда тутилади. Дастлаб, бошка республикалар иттифокдош жумхуриятлар бўлиб эмас, балки Русия худудидаги мухтор (автоном) жумхуриятлар бўлиб бирлашганлар.

[3] кўнук — навбат, гал.